

**22-оят.** «Сизлар (хаёти дунёда гунох ишларни килганларингизда шарманда бўлишдан кўркиб, одамлардан яширинар эдинглар-у, аммо) кулокларингиз, кўзларингиз ва териларингиз ўзларингизга карши гувоҳлик беришидан (сакланиш учун улардан) яширинувчи эмас эдинглар, (чунки сизлар Киёмат Кунда аъзои баданингизга берилишини билмасдинглар). Лекин сизлар Аллох килаётган амалларингиздан кўпини, яъни одамлардан яширинча килган гунохларингизни билмайди, деб ўйладинглар». Ибн Масъуддан ушбу .... оят хакида: Сакиф кабиласидан икки киши ва уларнинг курайшлик куёвлари ёки курайшлик икки киши ва уларнинг сакифлик куёвлари Каъбада эдилар. Шунда бирлари: – Бизнинг махфий суҳбатимизни ёки гапларимизни Аллох эшитади, деб ўйлайсизларми? – деди. Шунда бирлари: – Баъзисини эшитади, баъзисини эшитмайди, – деди. Баъзилари: – Агар баъзисини эшитса, демак, хаммасини эшитади, – деди. Шунда ушбу .... оят нозил бўлди.

Бухорий ва Муслим ривояти.

Абдуллоҳдан: Мен Каъбанинг ёпингичи билан ўраниб олган эдим. Уч киши келди. Уларнинг коринларининг ёғи кўп (семиз) фаросат – тушунчалари кам. Битта курайшлик ва унинг иккита сакифлик куёвлари ёки битта сакифлик ва унинг иккита курайшлик куёвлари. Улар шундай гапларни гапришдики, мен уларни тушунмадим. Шунда улардан бири: – Бу гапларимизни Аллох эшитди, деб ўйлайсизми? – деди. Бошқаси: – Агар овозимизни кўтарсак, эшитади, агар овозимизни кўтармасак, эшитмайди, – деди. Яна бошқаси эса: – Агар Аллох бизнинг гапимиздан бирор нарсани эшитса, демак, гапимизнинг хаммасини эшитади, – деди. Бу хабар Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га зикр килинди. Шунда у кишига ... ояти «Бас, сизлар зиёнкор кимсаларга айланиб колдингиз» оятигача (Фуссилат 22-23) нозил бўлди.

**30-оят.** «Албатта: «Парвардигоримиз Аллохдир», деб, сўнгра (ёлгиз Аллохга тоат-ибодат килишда) тўғри-устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): «Кўркманглар ва гамгин бўлманглар. Сизларга ваъда килинган жаннат хушxabари билан шодланинглар!»

Ато ибн Аббосдан: – Бу оят Абу Бакр (розияллоху анху) хакида нозил бўлган.

Мушриклар: – Роббимиз Аллохдир, фаришталар унинг кизларидир, анави (бутларимиз) Аллохнинг хузурида бизнинг шафоатчиларимиздир, – дейишиб тўғри йўлда бўлмадилар. Яхудийлар ҳам: – Аллох Роббимиздир. Узайр унинг ўғлидир, Мухаммад Пайгамбар эмасдир, – дейишиб, улар ҳам тўғри йўлда бўлмадилар. Абу Бакр розияллоху анху эса: – Роббимиз Аллохдир, у ягонадир, унинг шериги йўқдир ва Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) унинг бандаси ва элчисидир, – деб тўғри йўлда бўлди.